



ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ХАЛЫҚ БИЛИМЛЕНДИРИҮ МИНИСТРИНИҢ БУЙРЫҒЫ

Қарақалпақстан Республикасы 2021-жыл “Абат аўыл” хэм “Абат мэхәлле” дәстүрин әмелге асырыў хәмде улыўма орта билим беріў мәкемелерин қурылыс-оңлаў жұмысларын алып барыў ис-илажлары хакқында

Қарақалпақстан Республикасы Жоқары Кеңесиниң 2021-жыл 16-апрель кунги 304-санлы президиум қарарын басшылыққа алыў хәм орынланыўын тәмийинлеў мақсетинде

БУЙЫРАМАН:

1. Қарақалпақстан Республикасы Жоқары Кеңесиниң 2021-жыл 16-апрель кунги 304-санлы президиум қарарын басшылыққа алыў хәм орынланыўын тәмийинленсин.
2. Халық депутатлары район (қала) Кеңесиниң аймақлардағы аўыл хәм мэхәлле кесиминде улыўма орта билим беріў мәкемелерин қурыў, реконструкция қылыў хәм қурылыс-оңлаў жұмысларының мәнзилли дәстүрин тастийқлаў туўрысындағы қарарлары мағлыўмат ушын қабыл етилсин.
3. Қарақалпақстан Республикасының барлық қала хәм районлардағы аўыл хәм мэхәлдеде улыўма орта билим беріў мәкемелерин 4а хәмде 15а қосымшаларына тийкар тастийқлансын.
4. Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў мәкемелерин қурыў, оңлаў хәм үскенелеў, имарат хәм қурылмалардан пайдаланыўды муўапықластырыў, мәмлекет-жеке шерикшилик бөлими баслығы И.Балтабаевқа
 - Қарақалпақстан Республикасында 2021-жылда улыўма орта билим беріў мәкемелеринде “Абат аўыл” хәм “Абат мэхәлле” дәстүриниң орынланыўын мониторинг қылып барыў ушын орайлық штабқа бир қанийге бириктирилсин.
 - дәстүр шеңберинде әмелге асырылған жұмыслар бойынша хәр хәпте жуўмағы менен мағлыўматларды хәм хәр ай жуўмағы менен улыўмаластырып тастийқланған мағлыўматларды Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңесине усыныс етип барыў тапсырылсын.
5. Усы буйрықтың орынланыўын қадағалаў министр орынбасары ў.ў.а И.Балтабаевқа жүклетилсин.

Министр



Р.Реимов

Нөкис қаласы,

2021-жыл «21» - Апрель

107 - санлы



Қорақалпоғистон Республикасында 2021 йил
“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла”
дастурларини амалга ошириш ҳамда қишлоқ ва
маҳаллаларни ободлаштириш, муҳандислик
коммуникацияларни ривожлантириш, ички
йўллар, ичимлик суви, электр ва табиғий газ
тармоқларида, шунингдек уй-жойлар ва
ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-
таъмирлаш ишларини олиб бориш чора-
тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг раҳбарлигида
2021 йил 24 март куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган 2021 йилда “Обод
қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси ҳамда худудларда паст
кучланишли электр тармоқлари ва трансформаторларни янгилаш чора-
тадбирлари тўғрисидаги видеоселектор мажлисининг 16-сонли баёни билан
худудлар, тармоқлар ва соҳаларни комплекс ривожлантириш дастурларини
ўз-ара боғлиқликда изчил амалга ошириш ҳамда “Обод қишлоқ” ва “Обод
маҳалла” дастурларини амалга оширишни давом эттириш орқали худудларнинг
йўл транспорт тузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда
ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш бўйича вазифа ва топшириқлар
белгилаб берилди.

Шу билан бирга, ушбу дастурларни амалга оширилишида талаб
этиладиган маблағлар манбалари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар
ҳамда тармоқлар кесимида белгилаб берилиб, дастурлар доирасида амалга
ошириладиган чора-тадбирлар режаси ҳамда ажратиладиган маблағлар
параметрларини туман ва шаҳарлар кесимида Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши, ва
шунингдек, Дастурлар доирасида қишлоқ ва маҳаллалар кесимида йўл-транспорт
ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ижтимоий соҳа ва бошқа
инфратузилма объектларини қуриш ва таъмирлаш ишларининг манзилли
дастурини тасдиқлаш учун туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашиларига
киритилиш тизими белгиланди.

Юқоридаги топшириқ ва вазифаларнинг бажарилишини
мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан иш
чиқилган 2021 йилда ички автомобиль йўллари ва улардаги кўприкларни
таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти объектлари, уй-жой дастури объектлари
ҳамда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида шакллантирилган
манзилли рўйхатлар ва ажратиладиган маблағлар параметрларини кўриб чиқиб,
«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси» тўғрисидаги
Қорақалпоғистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси 19-бандига мувофиқ
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Президиуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг
раҳбарлигида 2021 йил 24 март куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган
“2021 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси ҳамда
худудларда паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформаторларни
янгилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги видеоселектор мажлисининг 16-сонли
баёни билан белгилаб берилган вазифа ва топшириқлар сўзсиз бажариш учун
раҳбарликка олинсин.

2. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашиларининг худудлардаги қишлоқ
ва маҳаллалар кесимида йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация
тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш ва
таъмирлаш ишларининг манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари
маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ишлаб
чиқилган 2021 йилда ички автомобиль йўллари ва улардаги кўприкларни
таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти объектлари, уй-жой дастурлари
объектлари ҳамда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида
шакллантирилган манзилли рўйхатлар ва ажратиладиган маблағлар
параметрлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2021 йилда
республика бюджет тизимининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари
ҳисобидан амалга ошириладиган ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда
иншоотлари лойиҳаларининг дастлабки манзилли рўйхати, ички йўллар ва унда
жойлашган кўприкларнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари лойиҳаларининг
дастлабки манзилли рўйхати қуйидаги иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш,
ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳолини
уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари
1-иловага мувофиқ;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида шаҳар ва
туманлардаги ички йўллар, ичимлик суви ва оқова суви тизими, электр
энергияси ҳамда газ таъминоти объектларини қуриш ва таъмирлаш
параметрлари 2-иловага мувофиқ;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ирригация, алоқа
ва ахборотлаштириш тизимини яхшилаш, спорт ва болалар майдончаларини
барпо этиш, қишлоқ ва маҳаллалар кўчаларини ободлаштириш параметрлари
3-иловага мувофиқ;

QR XALIQ BILIMLENDIRUV
MINISTRILIGI
KIRIS № 86
“ 20 ” 04 2021 JIL

“Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ижтимоий соҳа объектлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажмуалари, маҳалла гузарларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда уй-жой фондини яхшилаш параметрлари 4-иловага мувофиқ;

“Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида жамоат транспорт, маиший чикиндилар билан ишлаш тизими ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 5-иловага мувофиқ;
ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизими объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 6-иловага мувофиқ;

ички йўллارни қуриш ва таъмирлаш параметрлари 7-иловага мувофиқ;
паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш параметрлари 8-иловага мувофиқ;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 9-иловага мувофиқ;

кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш параметрлари 10-иловага мувофиқ;

туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш, ва ободонлаштириш параметрлари 11-иловага мувофиқ;
иригаця объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 12-иловага мувофиқ;

газ таъминоти тизимини яхшилаш параметрлари 13-иловага мувофиқ;

алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантириш параметрлари 14-иловага мувофиқ;

ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 15-иловага мувофиқ;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажмуалари, маҳалла гузарлари ҳамда маданият марказларини қуриш ва таъмирлаш параметрлари 16-иловага мувофиқ;

жамоат транспорт, маиший чикиндилар билан ишлаш инфратузилмасини ривожлантириш параметрлари 17-иловага мувофиқ;

кишлоқ ва маҳаллалар кўчаларини ободонлаштириш параметрлари 18-иловага мувофиқ;

спорт ва болалар майдончаларини барпо этиш параметрлари 19-иловага мувофиқ;

уй-жой фондини яхшилаш параметрлари 20-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси буйича 2021 йилда республика бюджет тизимининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда иншоотлари лойиҳаларининг дастлабки манзилли рўйхати 21-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси буйича 2021 йилда республика бюджет тизимининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ички йўллар ва унда жойлашган кўприкларнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари лойиҳаларининг дастлабки манзилли рўйхати 22-иловага мувофиқ тасдиқлансин

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига (Қ.Сариев), Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратурасига (Ф.Алламбергенов), Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига (А.Темирханов), Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармасига (Х.Бекчанов) тасдиқланган параметрлар доирасида Давлат солиқ бошқарманинг амалга оширилиши буйича чора-тадбирлар ижросини ташкил этиш, амалга оширилган ишлар тўғрисида кунлик ҳисоботлари юритилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига (Қ.Сариев):

- Қорақалпоғистон Республикасида 2021 йилда ички автомобиль йўллари ва улардаги кўприкларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти объектлари, уй-жой дастурлари ҳамда “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг ижросини мониторинг қилиб борувчи марказий штаб ташкил қилиш;

- дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар буйича ҳар ҳафта яқинида тезкор маълумотларни ва ҳар ой якуни билан умумлаштирилиб тасдиқланган маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесига тақдим қилиб бориш топширилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига (Е.Аташов), Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигига (Ж.Бердиханов) шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда:

- дастурларнинг манзилли рўйхатиغا киритилган ҳар бир объектга лойиҳа институтларини бириктириб, уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқирилишини жадаллаштириш;

- объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устанд тизимли назоратни амалга ошириш топширилсин.


7. Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси ва Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши депутатларига Қорақалпоғистон Республикасида 2021 йилда ички автомобиль йўллари ва улардаги кўприкларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти объектлари, уй-жой дастурлари ҳамда “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг ижроси юзасидан депутатлик назоратини юритиб бориш ва Кенгаш мажлисларида муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

8. Ушбу қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесининг навбатдаги сессиясига тасдиқлаш учун тақдим этилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари А.Давлетовга юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Жўкорғи Кенгесининг Раиси

М.Камалов



Нукус шаҳри, 16-апрель 2021 йил
№ 304